

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 90 (6. 789)

1989 йил 19 апрель, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

Йиғирманчи қаҳирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўққизинчи сессияси

Аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашни яхшилашлик

Тошкент шаҳар Советининг партия группасида

14 апрелда, Тошкент шаҳар Советининг сессиядан аввал партия группасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда коммунист депутат О. Ж. Исмоиловнинг ошкораликни кенгайтириш ҳамда районэкономикасини бошқаришда демократияни ривожлантиришга доир Чилонзоррайон ижроия комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди ва муҳокама этилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда партия группа ташкилотчиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин олиб борди.

Илгари хабар қилинганидек 14 апрелда йиғирманчи қаҳирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Тошкент шаҳар Советининг раиси Ш. Х. Хўжаев очди.

Совет сессия кун тартибига тасдиқланди:

1. Ўрни бўшаган депутат ўрнига 1989 йил 26 февралда сайланган йиғирманчи қаҳирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатининг ваколатларини тан олиш тўғрисида.

2. КПСС XXVII съезди талаблари асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига қўрсатиладиган пулли хизматларни ривожлантириш Комплекс программасини амалга ошириш ҳамда шаҳар аҳолисини халқ истеъмоли моллари ва турли хизмат билан таъминлашни ташкил этишни таъминлаштириш тадбирлари тўғрисида.

3. Тошкент шаҳар Совети социалистик қонунчилик ва жамоат тартибни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг ҳисоботи.

4. Тошкент шаҳар халқ контроли комитети составини қисман ўзгариштириш тўғрисида.

5. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ҳузуридаги балогатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси составига ўзгариштириш киритиш тўғрисида.

6. Район халқ судлари составини қисман ўзгариштириш тўғрисида.

7. Тошкент шаҳар суди составини қисман ўзгариштириш тўғрисида.

8. Санитария-гигиена талабларини бузган, ҳамда зарарли корхоналар атмосферага чиқариб ташлаган корхоналар, ташкилотлар (кооперативлар) ва икка тартибда меҳнат фаволид билан шугулланмаётган шахслар томонидан етказилган зарарни шаҳар бюджетига ундириб олиш тартиби тўғрисида.

9. Тошкент шаҳар Совети маъмурий-хуқуқ бўлимининг ташкил этиш тўғрисида.

10. Ташкилий масала.

Мандат комиссиясининг доклады юзасидан Совет Хамза районидаги 398-сайлов округидан сайланган йиғирманчи қаҳирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати В. Ф. Колядиннинг ваколатларини тўғри деб тоғди.

Анъана бўйича «Тошкент оқишони» ва «Берчери Тошкент» газеталарида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бўлажак сессияси олдидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тезислари эълон қилинган эди.

Тезислар сессиядан аввал депутатлар томонидан секциялар мажлисларида муҳокама этилди. Шунинг учун йиғирманчи қаҳирқ Тошкент шаҳар Советининг тўққизинчи сессияси 495-сайлов округидан депутат, шаҳар Советининг саноат ва халқ истеъмоли моллари

бўйича доимий комиссияси раиси, машинасозлик заводининг бош директори У. Т. Султоновнинг қўшимча доклады билан бошланди.

Нотиқ бозорини истеъмоли моллари билан таъминлаш соҳасида кейинги пайтда муайян иқтисодий сиқилишлар рўй бераётганлигига қарамадан Тошкентда уларни ишлаб чиқариш аҳолининг ҳарид имкониятларидан анча оғрада қолаётганлигини таъкидлади.

Савдода кийим-кечак, пойфазал, хўжалик ва маданий-маиший молларнинг айрим турлари, болалар ва катта ёшдаги кишилар учун моллар етишмайди, мавжудларнинг сифати эса ҳали ҳам ҳаридорларнинг ҳаққоний норозиликка сабаб бўлмоқда.

Ҳар йили Тошкент бўйича 200 миллион сўмликка яқин истеъмоли моллари етишмайди. Бу шаҳар саноати корхоналарида беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида Комплекс программа топириқларида белгиланганидан кам ишлаб чиқариш моллари миқдорига етарли тенгдир. 1988 йилнинг ўзигагина Фрунзе райони корхоналари программа топириқларида белгиланганидан 110,5 миллион сўмлик, Ленин райони — 29,6 миллион сўмлик, Собор Районини район — 12,4 миллион сўмлик молларни ишлаб чиқаришди.

Ўзбекистон ССР Ёнгил саноат министрлигининг Тошкентдаги корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари Комплекс программа топириқларида қўзда тутилганидан икки баравар оғрада қолмоқда. Хўлқон, бу корхоналар ҳисобига ана шу моллар умумий ҳажмининг уч дан бир қисми тўғри келади. Мазкур тармоқда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш умумийтифоқ кўрсаткичидан 1,6 баравар камдир.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш асосий фаолият доирасига кирмаган халқ хўжалиги тармоқлари корхоналарида эса бундай молларни ишлаб чиқаришга вақтинчалик, иқтисодий даражада иш деб қаралмоқда.

Шаҳардаги иттифоқ тасарруфидати 59 та йирик корхонадан 26 тасида иш ҳақи фонднинг бир сўми ҳисобига 10 тийинликча, 14 корхонада — 10 тийиндан 14 тийинликча, 9 корхонада — 20 тийиндан 30 тийингача, 9 корхонада — 40 тийиндан 50 тийингача кенг истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Ваҳоланки, худди ана шу корхоналарда иш ҳақи йилдан-йилга ўсиб бормоқда, натижада мол ресурслари билан таъминланган асчигина миқдордаги пул оборотга киритилипти.

Тошкент шаҳар Советининг саноат ва халқ истеъмоли моллари бўйича доимий депутатлар комиссияси амалда шаҳардаги барча районларда Комплекс программа бажарилиб

боришини таҳлил этиб, ўз йиғилишларида «қолоқ» корхоналар ҳисоботини тинглаб, бу жараянни регионал даражада бошқаришнинг бутун структураси талабга жавоб бермайди деган қатъий ишонч ҳосил қилди.

Маҳаллий Советларга қонун йўли билан истеъмоли моллари ва хизмат кўрсатиш бўйича корхоналарнинг ишини мувофиқлаштириб бориш ва назорат қилиш ҳуқуқи берилган. Ана шунинг ҳам айтиш ўринлики, партия комитетлари ўз аппаратларини қайта қуришларидан сўнг халқ хўжалигига регионал бошқариш вазиасини маҳаллий Советларга бердилар. Ленин Советлар бу ишни ўз қўлларига олишга шоиимаялтилар.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг фаолиятига бу ишга комплекс, иқтисодий ва техникавий жиҳатдан асосланган ҳолда ёндошилгандагина жадвал ривожлантириш мумкин. Бунда шаҳар корхоналарининг, айниқса «А» группаси корхоналарининг иш шартларини тегишли тарафда мувофиқлаштириб туриш мумкин.

Худди шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетиде тармоқлараро мувофиқлаштириб туривчи марказ ташкил қилинган эди. Кейинчалик у халқ истеъмоли моллари ҳамда ресурсларни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш бўйича инженерлик комплексини номи билан аталдиган бўлди. Аммо депутатлар комиссияси аъзоларининг инженерлик комплексини нооаниқ-овнат молларини ишлаб чиқариш бўйича оддий корхонага айлантириш тенденцияси ташвишлантирди.

Қўлича, савдо молларини ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иттифоқиникини ёки рақибини, деган савол берилди. Агар иттифоқчи бўлса, бу ҳолда нима учун савдо бир хилдаги буюмларни бири-ўла бир неча корхоналарда ишлаб чиқариш юзасидан буюртма беради? Электр минералар ишлаб чиқариш бўйича савдо ташкилотларидан Чналов номидати авиация ишлаб чиқариш, «Сигнал», «Технолог», «Ўзбектестильмаш» бирлашмалари Маҳаллий саноат министрлигидан буюртма олдидлар. Бу корхоналардан бири ҳозирги кунда ушбу буюмни қўллаб ишлаб чиқаришга киришди. Бунга ишлаб чиқаришни тайёрлаш учун асчигина маблар сарфланди, комплектлар масалалари ҳал этилмади.

Аммо тасодифан, «Ташсельмаш» хориндаги фирма билан электр минераллар биригича ишлаб чиқариш учун шартнома тузишни ниҳоятда етказиб қўйишга маълум бўлиб қолди. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса савдонинг бу буюртмаси ўрта Осиё регионини ахтирчи миқдорда тўлиқ бақарилади.

Аҳолининг молларни бўлган ахтирчи тўғрисида аниқ ва илмий асосланган маълумотларнинг йўқлиги натижада баззи буюмлар наамб бўлса, бошқалари керагидан ортиқча тўпланиб қолади. Тармоқлараро мувофиқлаштириш инженерлик комплексига савдо билан моллар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида алоқалар ўрнатити ҳуқуқини бериш керак.

Биринчи секция йиғилишида ушбу масалани муҳокама этишда иштирок этган депутатлар топириқига кура У. Т. Султонов қуйидаги аниқ тақлифларни киритди:

Айрим район Советлари ижроия комитетлари ҳамда корхоналар раҳбарларининг Комплекс программа топириқларини бажариш бўйича етарлилик иш олиб бормаётганликлари кўрсатилсин.

(Давоми 3-бетда)

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

ЎРНИ БЎШАГАН ДЕПУТАТ ЎРНИГА 12-КИРОВ САЙЛОВ ОКРУГИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрни бўшаган депутат ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тайинланганлиги муносабати билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 24. 26 ва 57-моддаларига биноан қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат составда тасдиқлансин.

12-Киров сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Тимур Илҳомович Иноғомов — 21-ўрта хунар-техника билим юрти директори, 21-ўрта хунар-техника билим юрти меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Чаман Ғоипов — ўқитувчи, 143-ўрта мактаб меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси секретари — Екатерина Степановна Торкина — врач-ординатор, Семашко номидати меҳнат реабилитация ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтини меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси аъзолари: Мунира Юсуповна Рафурова — мастер-тарбиячи — 21-ўрта хунар-техника билим юрти меҳнат коллективидан.

Хуснутдин Зухронович Мухамедов — кичин илмий ходим, Семашко номидати меҳнат реабилитация ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтини меҳнат коллективидан.

Мусаллам Нажимхўжаева — ўқитувчи, 143-ўрта мактаб меҳнат коллективидан.

Тўлаган Камолович Нажимитдинов — лаборатория мудири, Семашко номидати меҳнат реабилитация ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтини меҳнат коллективидан.

Михаил Григорьевич Черединов — илмий бўлим мудири, 21-ўрта хунар-техника билим юрти меҳнат коллективидан.

Назира Шорахмедова — ўқитувчи, 143-ўрта мактаб меҳнат коллективидан.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Х. Х. ҒУЛОМОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари

В. Ф. МАНАСТИРЕТСКАЯ.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

378-САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ЙИҒИРМАНЧИ ҚАҲИРҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 54-моддасига биноан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини қарор қилади:

1.Йиғирманчи қаҳирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат составда тасдиқлансин:

378-сайлов округи бўйича

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Валентина Павловна Касперцова — 1-ун заводи партия ташкилотининг секретари, 1-ун заводи меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Вячеслав Григорьевич Ширьев — директор, 1-ун заводи меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси секретари — Тамара Львовна Шохоева, ўқитувчи, 52-ўрта мактаб меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси аъзолари: Александр Александрович Воробьев — бош инженер, 1-ун заводи меҳнат коллективидан.

Вера Георгиевна Кошкин — ўқитувчи, 52-ўрта мактаб меҳнат коллективидан.

Вячеслав Павлович Решетников — ўқитувчи, 52-ўрта мактаб меҳнат коллективидан.

Наталья Алексеевна Тимановская — инженер-технолог, 1-ун заводи меҳнат коллективидан.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Х. Х. ҒУЛОМОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари

В. Ф. МАНАСТИРЕТСКАЯ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

ЎРНИ БЎШАГАН ДЕПУТАТ ЎРНИГА ЙИҒИРМАНЧИ ҚАҲИРҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА ҚЎШИМЧА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий советларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 54-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети қарор қилади.

Ўрни бўшаган депутат ўрнига 378-сайлов округидан шаҳар Совети депутатининг сайловлари 1989 йил 14 май, якшанба кунига тайинлансин.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Х. Х. ҒУЛОМОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари

В. Ф. МАНАСТИРЕТСКАЯ.



Баҳодир Содиқовни ўз ишига фидойи, доимо илғилри излайдиганлардан бири сифатида ҳурмат қилинади. «Ташхиссальмаш» заводининг биринчи механика-йиғув цехида техника бюросига муҳриона етакчилик қилиб келмоқда. У иш сифати учун астойдил жон қўядирмоқда.

Т. Керимов фотоси.



АҚШ президенти Жорж Буш Детройтда сузга чиқиб, Вашингтоннинг Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларини бундан бўён ҳам яхшилашга тайёр эканлигини таъкидлади. У ўз маъмуриятининг шарқий Европа мамлакатларига нисбатан, у ерда рўй бераётган ўзгаришларни рағбатлантириш мақсадида снбсатни фаоллаштириш ниятида эканлигини тасдиқлади.

Жанубий Кореянинг социалистик мамлакатлар билан товар обороти 1988 йил давомида 62,3 фоизга қўпайиб 2,178 миллион долларга етди. Жанубий Корея молия министрлиги кеча ана шу ҳақда хабар қилди.

ПЕКИН. Сичуан вилоятининг Батан уездида давом этаётган ер ости сиқлинишлари натижасида етти киши ҳалок бўлди, 37 киши жароҳатланди, деб хабар беради Синхуа агентлиги.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ХОККЕЙ. Стокгольмда Жаҳон ва Европа чемпионлиги ўйинлари давом этмоқда. СССР терма командаси хоккейчилари қаторасига учинчи марта зафар қўнчиди. Улар бу гал финляндиялик спортчилардан 4:1 ҳисобида устун келишди.

ФУТБОЛ. Биринчи лига коллективлари туртинчи тур ўйинларини ўтказишди. Тошкентнинг «Патхатор» командаси Ростов-Донда «Ростсельмаш»дан 0:1 ҳисобида енглиди.

АЙТАВЕРСАК ГАП КЎП

Олий ўқув юртлири шаҳарасидаги студентларнинг турар жой шартонлари давр талабига жавоб бермайди. Унлаб ётоқхоналар ўз қолгига ташлаб қўйилган. Улардаги аҳолини ўнлашга, студентларнинг ётоқхона аҳолини ўз ичига қўлиб деган ҳақли таламларига барҳам беришга энг шимариб киришिल्маётган ташвишлантирадиган, одамни. Бу масаланинг бир томони. Яна бир гап: Тошкент Давлат университетини ва политика институтини қосмонсол комитетларининг ёшлар билан ишлашни буюштириб юборганини ҳусусдан. Биринчиде, иккала ташкилот ҳам ётоқхоналардаги аҳоли билан танишиб бориш тартибасида алақачон узоқлашиб кетганга ўхшайди. Акс ҳолда биз билан сўхбатда бўлган ёшларнинг: «Қосмонсол комитетидеги биларини унуттиб юборишган», — деган гапларини эшиткан бўлардик. Ётоқхоналарда баззи бир бошқа социял муаммолар ҳам йўқ эмас.

Биринчидан, студентларнинг буш вақтларини кўнглили ўтказишлари, физкультура ва спорт билан шугулланишлари учун майдончалар етишмайди.

Иккинчидан, ошхона ва буюфетларга келтирилётган сутли маҳсулотларнинг тақийилиги сезилмоқда. Уни қўпайтириш тўғрисида қўллаб қиғир ва мулоқазалар билдирилётган бўлишига қарамай ҳозирча ўзгариш бўлаётгани йўқ.

Учинчидан, ётоқхоналарда атиги биттагина телефон автомат мавжуд, холос. Уларни қўпайтириш, камдаи иккити-учтага етказиш керак.

Тўрттинчидан, ремонт ишлари олиб борилаётган ётоқхоналарда ишни тезроқ тугаллаш зарур. Сантехника жиҳозларини яхшилашга муҳтож бўлган ўнлаб турар жойларда бу ишни кечиктирмай амалга ошириш тақозо этилади.

Бешинчидан, ётоқхоналардаги аҳолини яхшилашнинг қосмонсол комитетлари оталики олишлари, бу ерда тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиб, унинг натижаларини кўриб боришлари ва ишни иқибий томонга ўзгаришга ердан беришлари керак.

Айтаверсак гап кўп. Студентлар ётоқхоналарига ҳар томонлама жиддий эътибор зарур. Унинг ёшларнинг чинакам уйига, тарбия масаласига айланитиш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Х. САИДОВ,
ТОШКУД студенти,
Р. АХМАДЛИЕВ,
«Тошкент оқишони» муҳбири.

— Аҳвол қалай, студент?

Йиғит беозор кўчаларини бир зум ерга қадаб, ўйга берилади. Кутилмаган саволга оғзаки жавоб бергиси келмаётгани қиёфасидан сезилиб туради.

— Яхшиеси ўзингиза бориб кўринг, — деди у ниҳоят. — Ахир минг марта эшитгандан кура бир мартабда кўрган афзал деган ҳикмат бор-ку?

Унинг тақлифига эътироз билдирмади. Ўзининг ҳам шу мақсадда йўлга чиққанлигини айтганчада сўхбатдошнингизнинг юзи ёришгандек бўлди.

— У ҳолда 14-ётоқхонага ҳам кириб ўтигилар, — деди у дил ёриб.

— Нима, шартини ёмонига? — сўрадик таажжубланиб.

— Ҳар ҳолда яхши, — деб айтолмайман. Биз рози бўлдик. Бу вақтда 9-маршрутлик такси Ленин майдонидан олий ўқув юртлири шаҳарчаси томон йўл олган эди...

ЭКСПЕРИМЕНТ НЕГА ПАНД ЕДИ?

Шаҳарчада «савлат» тўкиб турган, бир-бирини қилишмайдиган яшги ётоқхоналарини кўриб дил айирди. Улар яшарга яратилётган қулайликларнинг қўлини тобора кенгайиб бораётганлигидан далолат бериб турбади. Ўтган йилнинг сўнги ойда Тошкент Давлат университетининг геология факультети студентларига зышқиларини лав очган 94-ётоқхонанинг останаидан ҳатлар эканлиги, беҳиштер ана шу фикрлар кўнгилдан кечди. Факультет қосмонсол ташкилотининг секретари Мирзабек Шотемиров билан йиғит-қизлар яшаётган қайси хонага кирмайлик ҳаммаде бир хил манзаранинг гувоҳи бўлди: шинам жиҳозланган хоналарда ортиқча нарсанинг ўзи йўқ эди. Коридорлар чинидай тоза, ҳар бир қаватдаги ошхона тозалаб суғуриб, сидирилган.

— Йиғит ва қизларнинг ўзлари ётоқхонага эгалик қилишмоқда, — деди факультет қосмонсол ташкилотчи секретари Мирзабек Шотемиров. — Шунинг учун ҳам тозаланин саклашдан ҳавотирланмаётганимиз йўқ. Бўш вақт топилид дегунча ётоқхона ишларига бериламиз, уни ана ҳам яхшилаш учун қўлимиздан келган ёрдамимизни аямайлик. Бу фидойилик ёшларимизда олдидан бор десам ишонмайсиз, аммо ўтган йили 2-ётоқхонада яшаётганимизда ўзимиз ўзи

бошқариш методини синаб кўрдик. Оғир бўлса ҳам янгиликнинг айнаи ёшларбон эканлигини айтмоқчимиз. Бисон ишламоқда. Ётоқхона ўзимизга бериб қўйилган эди. Лекин уни студентларнинг чинакам бошлангисига айлантириш учун кам захмат чекдик дейсизми? Юқоридегилар қўллаб-қувватлашгада эксперимент панид эмас эди. Афсуски, бизни тушунадиганлар топилид Комсомол секретариатини даярларини тушунадиган. У хали ҳам кўп масалаларда студентларнинг «қўли қалпани» қилиб қолаётганлигини айтмоқчи эди. Аммо айтолмади. Лекин бизга бир нарсая аён эди. Ҳозир уларнинг гардидаида катта таъиш бор. У ҳам бўлса ўзин

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланган Пленуми олдида



— Иззат Отахонович, ҳозир тил муаммоларига ҳар қачонгидан кўра эътибор бериляпти. Бу ҳусусда турли фикрлар, қарашлар, нуқта-назарлар мавжуд. Сиз ўзбек тилига давлат тили статуси берилишига қандай қарайсиз?

— Баҳс юритмоқчи бўлган мавзунимиз фавқулодда муҳимлигини иқдор этиш мақсадида сўзни узоқроқдан бошласам. Лекин айтиб қўям, мен тилшунос эмасман. Мен айтган фикрлар қонуни эмас.

Ешлтигимда мени Тошкентга кузатаётиб саводсиз ота-онам шундай деган эдилар: «Агар рус тилини пухта ўрганб олмасанг, кўзлаган мақсадингга етолмайсан».

Бу олтимиш йил илгариги гап. Ҳозирликда рус тилини чўқур билиш мазнавий эҳтиёжга айланди. Рус тилини мен билмасам, рус халқи, рус тили ҳеч нарса йўқотмайди. Лекин рус тилини билмасам халқимга кўпроқ фойда келтиролмайман, кўнглимдагидек хизмат қилолмайман. Демак, мен учун иккала тил — ўзбек тили ҳам, рус тили ҳам бирдек қимматли.

Ўзбек тилига давлат тили статуси берилишининг ёмон ёки оғир томони йўқ. Тақдор айтган: ўзбек тили республикамизнинг давлат тили бўлгани билан рус тили Иттифоқимиздаги миллатлараро асосий алоқа тили сифатида ҳамisha эрдокда бўлади.

ёзуви тубдан қайта қўриб чиқилди, ислох қилинди.

Бунинг сабаблари қуйидагича бўлган. Биринчидан, араб ёзувида биздаги товушларни ифода этиш учун 130 га яқин аломат бор. Бу маълум маънода ёзишда ва ўқишда қийинчилик туғдиради.

Иккинчидан, ҳарфларнинг ёзилиши турли ерда турлича. Масалан, «з» ҳарфи тўрт хил талаффуз этилади. «Б» нинг эса уч хил ёзилиш формаси бор: хат бошида бир хил, хат ўртасида иккинчи, хат охирида учинчи хилда ёзилади. Бу ҳол араб ёзуви алфавитидаги барча ҳарфларга хосдир.

Учинчидан, орфография масаласи ҳам бор. Арабча ёзувда қисқа унлилар тушиб қолиб, фақат чўзиқ унлилар ёзилади. Шунинг учун, Фитратнинг ибораси билан айтганда арабчада аввал «маънони англаб, кейин ўқийсиз». 1921 йилги ўзбек илмий конференциясида ҳарфлар 29 тага келтирилган, яъни 130 ўрнига 90 тага келтирилган. Ислох қилинган алфавит бирмунча қўлайликлар туғдирган, албатта.

Шу конференцияда Намм Сандов ўз маърузасида латин алфавитига ўтиш масаласини қўяди. Бу иш кейинчалик амалга оширилди ҳақида келишиб олинди.

Энди саволингизнинг бевосита ўзига келсак. Бошқалар қандай фикрда билмадим, ле-

Дўст билан обод уйинг

Бир оила фарзандларидек

Шаҳримиздаги «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филида ҳам турли миллатга мансуб бўлган чеварлар меҳнат қилишади. Уларнинг бир-бирига меҳр-қўлибати, аҳил-пайвандлиги қўлга киритилган.

тилаётган зафарлар омили бўляпти. Фотомухбиримиз Р. Шарипов билан корхона цехларини айланиб, ишчилар билан суҳбатлашар эканмиз ушбу фирманинг нақадар тўғрилиги яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

© Суратда майин табассум билан сизга боқиб турган Лаура Григорьевнанинг бу ерда ўз меҳнат фаолиятини бошлагани 14 йилдан ошди. Тикувчи-моторист-каликдан меҳнат фаолиятини бошлаган Л. Г. Багдасарян кейинчалик назоратчи, мастер бўлиб ишлади. Эндиликда эса у цех бошлиғидир.


— Цехимизда турли миллат қизлари меҳнат қилишади, — дейди у фахр билан. — Уларнинг ҳаммаси бир-бирларига жуда меҳрибон. Шу тўғрйли эришяётган ютуқларимиз салмоғи кун сайин ошиб борапти.



© Лаура Григорьевнанинг ушбу фирмани грек миллатига мансуб бўлган Партена Куприяновна ҳам қизгин қўлаб-қувватлади. Болалар кийимларини тикишга мўлжалланган цех мастерининг ўз меҳнат фаолиятини бошлаганига 30 йилча бўлиб қолди. «Меҳнат қилган элда азиз», деганларидек бу аёлнинг фидойилиги муносиб тақдирланган. Унга «Ешлар мураббийси» деган фахрий унвон берилган. Меҳнат ветерани П. К. Константинови шу кунларда ҳам ғайрат кўрсатиб ишлаб ҳамкасб дугоналарига намуна бўлмоқда.



© Уринбой ака ҳақида гап кетганда «Қўли гул уста» деган сўзларни эшита-сиз. Чиндан ҳам у бешинчи разрядли слесарь-созловчи вазифасида ишлаб бarchага ўрнак бўлмоқда. Ўзбек ўғлини Уринбой Нишонбоевич Абдуқодировнинг филиалда иш бошлаганига 27 йил бўлди. Шу давр ичида у ўз касбининг ҳақиқий устасига айланди, қўлаб шоғирлар етиштирди. Эндиликда шоғирда ва устозлар бир ёқадан бош чиқариб ишлаб 1989 йил топириқларини бажаришда фидойилик намуналарини кўрсатишмоқда.



© Қозоқ қизи Раҳима Тўйчибоевнанинг бу ерда ишлаётганига тўрт йил бўлган бўлсада у ўзининг фидокорона меҳнати билан коллектив ҳурматини қозонди. Учинчи разрядли тикувчи-моторист-калик касбини эгаллаган Раҳиманинг қўлидан чиққан маҳсулотлар ўзининг сифати билан ажралиб туради. Шу босишдан ҳамкасблари уни фахр билан «Бизнинг қўли гул чевар дугонамиз» деб аташади.

— Кўпчиликнинг ана шундай баҳосини оқлаш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз, — дейди Р. Тўйчибоева. — Шу босишдан тикув машинаси ёнига келишим биланқот бутун фикр-ўйимни бажаряётган ишимга қаратаман. Унинг самарасини эса тайёрлаётган маҳсулотларимнинг бежирим бўлиб чиқаётганлиги яққол кўрсатиб турибди...

Биз филиалнинг тўрт ишчиси фаолияти ҳақида қисқача ҳикоя қилдик. Бу ерда яна ўз касбининг ҳақиқий усталари бўлган ва бошқа миллатга мансуб бўл-



ган чеварлар қўли-қўлга бериб меҳнат қилишляпти. Улар ҳақида кейинчалик ҳикоя қиламиз.

С. БОБОЕВ.

Умумий мақсад

КОРХОНАМИЗНИНГ ҳар бир ишчиси, мутахассиси ўзини ягона коллективнинг — дўстлиқ оиласининг — тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисоблайди.

«Ташсөлмаш» пахтакор кўжаликлари учун техника етказиб беришчи корхоналар орасида етакчи ўрин олиб турибди. У бунга турли аниқлаш ишчиларининг бир ёқадан бош чиқариб, умумий мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилишлари тўғрйли эришди.

Бизнинг бригадамизда 14 миллат вакили ишлайди. Меҳнат ўзим шу заводага келганимга бир неча йил бўлди. Турли миллат кишиларига мансуб устозлар бой билимларини ва тажрибаларини аямасди.

Улар тўғрйли обрў қозондим. Малакали ишчи бўлиб етишдим. Коллективимиз эришяётган муваффақиятларда ўзимнинг ҳам озми-кўлими ҳиссам борлигидан фойдаланаман.

Коллективимиз ўз зиммасига юксак маъжбуриятлар қабул қилган. Шу йилнинг ўзига келиб 18 мингта «зангори кема» тайёрлашимиз керак. Бу — қийин, аммо бажарса бўлади деган топшириқ. Уни албатта адо этамиз! Корхонамиз ишчиларининг метиндек дўстлиги бу фикримга асосдир.

З. РИЗАМЕТОВА,
«Ташсөлмаш» заводи ишчиси.

Ёдномалар

Ўзбек риёзиёти сарчашмаларида

СССРда математик статистиканинг шаклланиши, ривожланиши, унинг амалиётдаги тадбиқларига ниҳоятда катта ҳисса қўшган машҳур олим Всеволод Иванович Романовский ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган эди. У куч-ғайратини, билими ва бой ҳаётий тажрибасини республикамиз маориф олий таълимининг тараққиётига, маҳаллий халқ вакилларини «катта фанга» йўлашга сарф қилди. В. И. Романовский жаҳонга танилган Ўзбекистон математика мактабининг асосчиси ҳисобланади.

У 1879 йилнинг 5 декабрида Верный (ҳозирги Олмаота) шаҳрида туғилди. Тошкентдаги реал билим юртида ўрта маълумот олди. 1906 йилда Петербург университетининг физика-математика факультетини битирди. Бу ерда магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиб, Тошкентга қайтди ва ўзи ўқиган Тошкент реал билим юртида физика ва математикадан дарс берди.

Кейин Варшава, Ростов-Дон университетларида доцент, профессор бўлиб ишлади. 1918 йилдан то умрининг охиригача (6 октябрь 1954 йил) олим Тошкентда яшайди ва ишлади. Аввал у Тошкент халқ университети (ҳозирги В. И. Ленин номи Тошкент давлат университети)ни ташкил этишда фаол қатнашди. Всеволод Иванович университет физика-математика факультети декани, кафедра мудири бўлиб ишлади.

Математик статистика соҳасида В. И. Романовский нафақат Совет Иттифоқида, балки жаҳон миёсасида ҳам танили олимлардан бири эди. Статистиканинг пахтачилик, метеорология, саноат, агрохиями, биологиядаги тадбиқлари билан шугулланиб, амалиёт учун муҳим натижаларни қўлга киритди. Эҳтиомлар назарияси ва математик статистика методларини ўрта ва Олд Осиё устасига устасига айланди, қўлаб шоғирлар етиштирди. Эндиликда шоғирда ва устозлар бир ёқадан бош чиқариб ишлаб 1989 йил топириқларини бажаришда фидойилик намуналарини кўрсатишмоқда.

«У фан ўз меҳнати билан адолат ғояси ила сўғорилган деб ҳисоблар», шунинг учун адолатсизлиқни тоқат қилолмасди. Унинг характери мулоимли ва майин эди: қорак аср давомида бирор шахсга баланд овозда гапирганини эслаб олмайдим. Бир марта дорилфунун муаллими суҳбат чоғида ўзини нотўғри тутганида Романовский: «ҳа, майли худо хайрлигини берсин» деб қўйолган. Чўқур дарё тинч оқди, дейишди. В. И. Романовский катта, тўла ва тинч оқар дарё билим ва одамийлик дарёси эдики, ундан қўллар баҳраманд бўлишган».

В. И. Романовский халқ маорифи ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. У Тошкент математика жамиятининг мактаб секциясини бошқарди. Маорифимиз тарихида мактаб ўқувчиларининг математикадан биринчи шаҳар олимпиадалари 1935—37 йилларда Тошкентда бўлиб ўтган. Олим қобилияти ёшларни дарров пайқаб олар, улардан ёрдами, маслаҳатини аямасди. У ёшларнинг меҳрибон устози, ғамхўр мураббийси эди.

«Уша йилларда факультетнинг илмий кутубхонасидан ҳодимларига фойдаланишар эди, — деб эслайди ҳозирда «Романовский хонаси» деб аталадиган мазкур хона ҳодимаси, академик билан кўп йиллар мобайнида ишлаган Антонина Михайловна Попова. — Кечатидек ёлғизда, бикуни Всеволод Иванович математика хонасига ёшгина йигитча билан келди-да: «Бу қобилиятли йигит, иккинчи курс талабаси, унга керакли китоб, журналларни топишда ёрдам берсангиз», — деб илтимос қилди. Романовскийнинг шоғирди — ўша йигит келгусида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, дунёга танили олим бўлиб етишди. У Саъди Ҳасанович Сирожиддинов эди».

В. И. Романовский Ўзбекистоннинг гўзал табияти қўнида шоғирлар билан бўлишни ёқтирарди... У ўта маданиятли, аёли бўлган. Ўзбекистонда яшаб, шу ерда хизмат қилиб, шу ернинг нон-тузани тоғитган кишининг ерли халқ тилини билиши, унинг маданияти, урф-одатини ҳурмат қилишини ўз инсоний бурчи деб билган олим ўзбек ва форс тилларида ҳам бемалол гаплаша оларди.

Ўзбек математика мактаби сарчашмаларида турган академик олимнинг гоилари кенг тарқалди, улар шоғирлар ишларида яшамонда ва ривожлантирилмоқда. Унинг номи доимо ёъозланиб, чўқур ҳурмат билан тилга олинади.

М. МИРЗААХМЕДОВ,
физика-математика фанлари кандидати.

«Тил тилга душман эмас...»

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Иззат СУЛТОН билан суҳбат.

Бепован Ватанимизни мангу яшил даракта қиёс этадиган бўлсам, халқларимиз унинг замида япроқларини мисоллар. Ҳеч бир япроқ бир-бирига эён бермайди, эътибор берган бўлсангиз. Лекин шу япроқларнинг... илдири битта. Шу ўрнида машҳур совет шоири, Ленин мукофоти лауреати Расул Ҳамзаевнинг «Тил тилга душман эмас» деган оқил сўзини эслатгим келди. Халқимизда ҳам «тил билган, эл билди» деган ҳикмат бор. Демак, икки тиллиликнинг фойдаси бўлса бордир, аммо унинг зарари йўқ, деган фикрдаман.

— Иззат Отахонович, кишилар орасида эски ўзбек ёзуви қайтиш зарур деган фикрлар ҳам ўртага ташланмоқда. Бу масалада ўз нуқтаи назарингизни баён қилсангиз.

— Тўғри, шундай фикрлар йўқ эмас. Уларнинг муаллифлари тарихий қўлёзма асарларимизни асл нусхасида ўқисанг, деган гапни айтишди. Бу қадимги маданиятга ҳурмат.

Масала яна ҳам ойдинлашсин учун андак-кин тарихга мурожаат қилсак. Ўтмишда — араб ёзуви қадар — ўз ёзувимиз бўлган. У уйғур ёзуви деб ҳам аталади. Ушбу ёзувининг намуналари борлигини биламиз. Уни ўқий оладиганлар ҳозир ҳам бор.

Араблар истилосидан кейин, улар ўз алфавитини зўрлик билан киритгандан сўнг ҳам эски ўзбек, яъни уйғур ёзуви қўлланишда давом эттаверган. Бунинг классик шоиримиз Юсуф Ҳос Ҳожибининг XIII асрда қўйрилган «Ўтавгу ёили» достонидан билсак бўлади. Поэма икки ҳарфда — араб ва уйғур ҳарфларида кўчирилган.

«Ўтавгу ёили» кўчирилганидан 200 йилдан кейин, XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳусайн Бойқаро саройида фармонлар туркий ёзувда кўчирилган. Бу ҳақда Навоийнинг хатларида ҳам эслашмиз.

Захриддин Муҳаммад Бобур эса «Хатти Бобурий», яъни янгича Бобур хатини яратди. Бундай ишга улғур журъат керак. Чунки араб ҳарфларида кўрқон битилган! Бу ёзувини илкор этиш қанчалар жасорат! Хулосалар эса битта: 700—800 йиллар давомида ўз ёзувимиз учун кураш борган.

Улғур Октябрь социалистик революциясининг илк кўнларидек энг яхши зийлиларимиз Фитрат, Чўпон ва бошқалар хатимизнинг ислох этилиши ҳусусида жон куйдирдилар. 1921 йилда эса махсус ўзбек илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда араб вақтда бошқа халқларнинг тиллари, урф-одатларига ҳурмат-эҳтиром билан қараган. У ўз замонасининг йирик давлат арбоби сифатида давлатлар, халқлар, тилларнинг устуқчилигини сиёсат даражасига кўтаришга ҳаракат қилган, эолимларга, миллатчиларга қарши курашиб, устоз Жомий ва бошқа илгор фикрли шоирлар, санъатшунослар, олимларни қўлаб-қувватлаб ҳимоя қилган.

Икки буюк мутафаккир — Навоий ва Жомийнинг дунёқарашлари ва ўрталаридagi ақиқилик, ўхшашлик тасодифан эмас. Гап шундаки, қадимги Эрон ва Турон территорияларида яшаган қабилалар, халқлар ва элатлар — массагетлар, сак ва скифлар, сўғлар эра-миздан аввал тўртмингичи йилларда Ажам давлатига эсас солган, бой огази ва ёзма ижодага эга бўлган халқлар эди. Энг қадимги динларда зардуштилик (Авесто) дини ҳам Туронда вужудга келди. «Низомут таворих», «Жамеу-т-таварих», Муҳаммад ғазолийнинг «Насихатулмулк», «Тарихи табарий», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Фиробий, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий каби қатор мутафаккир асарлар, Тўмарис, Спитамен, Маз-

Сўхбатни Теймур УБАЙДУЛЛАЕВ
ёзмб олди.

дакчилар, Муқанначилар, Сарбадорлар каби халоскорлар руҳида тарбияланган ва вужудга келган халқ урф-одатлари, анъаналари асос бўлди. Шунинг учун ҳам Навоий ва Жомий ўзбек ёки тожик мутафаккирлари бўлиб қолмасдан, улар ҳақи равишда бар-

ча Урта Осиё халқларининг мутафаккирлари ҳисобланадилар. Дўстлик нафақат Навоий асарларидаги образлар орқали кўйилган, балки шоирнинг ўз замондошларига, турли халқлар ва элатлар вакилларига нисбатан бўлган муносабатиди ҳам ўз ифодасини топади. Ҳусусан Навоийнинг ўз устозларига нисбатан ҳурмати

беқиёс. Айниқса, у пир Жомийнинг номини улғулайди. Икки пил ўлса Хисрав ё Низоомий, Эрур юз пил чоғлиқ пил. Муҳаббат жоме дурд ошоми улдур, Жомийни ўзининг устози деб

Шоир устоз ҳақида шундай деб ёзди: Узи дарё, сўзи дурдек муҳайё. Яна маъинин ул дур ичра дарё. Жомийни ўзининг устози деб

Қардошлигимиз тарихидан

«...Эрур ёрлиғ иш»

Ҳамона зинда пили Жомий улдур. Навоий Жомийни ёши катта бўлганлиги учун «Хазрат Махдум», «Махдумий Нурани», «Пир» каби сўзлар билан тилга олади. Шоир Жомий ҳақида махсус асар — Ҳамсатул Мутахаййирини ёзиб, унда устоз Жомийнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида муҳим маълумотларни баён қилади.

блада, ундан ўрганувчи шоғир (мурда) деб ҳисоблайди. Навоийнинг муриду бандасидур, афғандасидур. Навоий нафақат Жомий, балки ўзидан аввал ўтган мутафаккирларнинг илмий меросига катта қизиқиш ва ҳурмат-эҳтиром билан қарайди. Уларга эргашажлигини, уларнинг йўлидан боражанини ай-

тади. Айниқса, «Ҳамса»чи устозларини эслаб шундай дейди: Менки талаб йўлида қўйдим қадам, Бордур умидимки, чу турсам қалам, Йўлдасе, бу йўлда Низоомий йўлум,

Айниқса, демократия ва ошкоралик принциплари кенг жўриқ қилинётган бир вақтда миллий масала билан миллатчиликнинг фариға етмасдан ўларини миллат «халоскорлари» деб юрганларга нисбатан Навоийнинг ушбу сўзлари нақадар ҳаётий эканлигини кўрамиз.

Олам аҳли килингизким, иш эмас душманлик, Ер ўлинг бир-бирингизни, Эрур ёрлиғ иш.

Душманлик эмас, дўстлик, миллатлар бир-бири билан ёр бўлиб яшашлари Навоий идеология айланади. У барча инжикимой ҳаётда тенг, озодек эканлигини эътироф этади:

Ишқ қомил эли ё Фарҳод, ё Мажнун қилиб, Гар эрур машуқи ёхуд армони, ёхуд араб.

Халқлар, элатлар ўртасидagi иттифок, дўстлик ғояси Навоийнинг барча асарлари зами-нида ётади. Биз ўзини қайси бир асарини олмайдик, унинг халқлар дўстлиги, тенглиги ғоялари билан сўғорилганлигини кўрамиз. Бу жиҳатдан Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони баҳода асарлар орасида алоҳида ўринни эгал-лайди. Фарҳод, Ширин,

Шоир, Меҳнбону, Суқрот каби образлар орқали шоир турли миллат вакилларини, турли тилларда сўзлашувчи, турли динларга, урф-одат-ларга эътиқод қилувчи шахсларнинг ўзаро қамқорликда, биргаликда тотув яшашларини тасвирлаган.

Шахси маънавий жиҳатдан ҳақиқий интернационалчи қилиб тарбиялаш масаласи қўйилган бугунги кунда биз тарихга, халқларимизнинг асрлар давомида ёъозлаб келётган одатларига, анъаналарига, тил ва санъат-ларига ҳурмат билан қараб, уларни янада ривожлантири-шимиз керак. Қадимги ки-тобларни асраб, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар-миздаги ноёб, жаҳон аҳа-миятга молик иморатларни харобаларга эмас, балки уларни ўз эгаси — халққа хизмат қилувчи маданият мар-казларига айлантириш керак. Бу ўринда Навоий ва унинг замондошларининг асарлари-ни, улар ўртасидagi ўзаро муносабати ўрганиш алоҳи-да аҳамиятга эгадир.

Х. БОБОЕВ,
Тошкент давлат дорилфу-нун доценти.

**Аҳолини халқ истеъмоли моллари
билан таъминлашни яхшилайлик**

Ш. ҲАСАНОВ.

ЕВРОПА ХАММА УЧУН ЯГОНА

Ш. ҲАСАНОВ.

